



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 113 (10.166)

2004 йил 15 июнь

ХИТОЙ РАҲБАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 14 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали мехон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Ху Цзиньтао Ўзбекистонга илк бор давлат ташрифи билан келди. ХХР Раисининг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга иштиёқлики томонда ҳам баланд эканидан яна бир далолатдир.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао ўзаро мулоқотларнинг бугунги аҳоли ва истиқболларини муҳокама қилади, минтақавий ва томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашади. Ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ХХР Раиси 16-17 июнь кунлари Тошкентда бўладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммитида иштирок этади.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунги Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **КЕЧА** Мехр ва муруват йили муносабати билан Бектемир туман Марказий кутубхонасида уюштирилган «Саховат-мардлик, саҳийликдир» мавзусидаги давра суҳбатига китобхонлар ҳамда «Бектемир» маҳалласи фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 1-сонли муруват уйида ногирон болалар ўртасида спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** трактор заводи» акциядорлик жамиятида йил бошидан то шу кунгача 1010 та трактор ишлаб чиқарилди. Шунингдек, мазкур корхонага иш самарадорлигини яхшилаш мақсадида хориждан технологиялар келтирилди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар харақати — Ўзбекистон-либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги фаол аёллар иштирокида бўлиб ўтган анжуман тадбиркор аёллар фаолиятини янада жонлантириш, уларни боғхона қонунчилиги билан яқиндан таништиришга бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетиде мутахассислар ва ёшлар иштирокида уюштирилган семинарда стандартлаштириш ва сертифицирлаштиришнинг муаммолари хусусида сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



ШХТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

2004 йил 16-17 июнь кунлари Тошкентда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирокида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай ҳамда Мўғулистон делегацияси мехмон сифатида қатнашади.

Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити чоғида ушбу халқаро ташкилот фаолиятига доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади. ШХТ

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси яқунлари буйича қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви доирасида Тошкентда ШХТ Минтақавий асилтеррор тузилмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда АҚШнинг IRIS ташкилотининг Марказий Осиёдаги лойиҳаси суд тизимида самарали бошқарув ҳамда маъмурий ислохотларни жорий қилиш тамойиллари ва йўллари бағишлаб халқаро семинар ўтказди.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов бошқарган анжуманда сўзга чиққанлар юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, соҳада кўплаб қонунлар, меъририй ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётганини таъкидладилар. Суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқаролар

шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида самарали ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда суд тизими, ривожланган давлатларнинг суд бошқарувини ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибалари, Ўзбекистон Республикасида ҳўжалик-процессуал ҳуқуқи, инвестицион низоларни ҳал қилишга оид

масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза юритилди.

Қабул қилинаётган қонунлар, ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустақам пойдевор бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Бу муҳим йўналишда халқаро андозалар ва хориж тажрибасини ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш йўллари ишлаб чиқиш борасида таклифлар билдирилди.

ОЛИМПИДАГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ МАРКАЛАР

«Ўзбекистон маркаси» очик акциядорлик жамияти яқинда Афинада ўтажак XXVIII ёзги Олимпия ўйинларига бағишланган янги почта маркаларини чикарди.

Марка ишқибозлари ва почта муомаласи учун мўлжаллаб кўп минг нусхада чиқарилган мазкур маркалар Олимпияда мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларни маънавий рағбатлантиришга хизмат қиладди.

ЎЗА

Халқаро бизнес-марказда Жаҳон банки кичик грантлар дастури голбларининг лойиҳаларини баҳолашда иштирок этган донор ташкилотлар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

ГРАНТЛАР СОҲИБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Дастур Жаҳон банкни мулоқотни ривожлантириш воситаси билан таъминлаш ва банк операциялари доирасидан ташқарида очик муҳокама йўли билан халқаро ривожланиш тўғрисидаги ахборотни тарқатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ушбу дастур 1993 йилдан буён амалга оширилмоқда ва шу вақт мавзайида қарийб 40 ташкилотга грантлар берилди.

Бу йил дастур фуқаролик жамиятининг тўққизта ташкилоти лойиҳаларини амалга оширишга

ёрдам беради. Берилган грантларнинг 60 фоизга яқини ёшлар билан ишлашга йўналтирилган.

— Кичик грантлар дастури Жаҳон банки фаолиятининг бир қисми ҳисобланганига қарамай, муассасамизга фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилиш имконини беради, — деб таъкидлади ўз сўзида Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мартин Райзер. — Зеро, одамлар муаммо ечимини кутиб ўтирмасдан, уни ўз кучи билан ҳал қилгани яхшироқ.

ЎЗА

XXI саҳоси

Барча маълумлардан олжиган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюмлари сони яна 2 тага кўпайди. Бухорода Ибн Сино, Фарғонада «Нурафшон» ноили янги кредит уюмлари рўйхатга олиниши билан уларнинг умумий сони ўн еттигача етди.

● Икки минг гектардан зиёд майдонда галла парвартишлаб оморларга 3 минг 400 тонна дон етказиб берган Қонимех тумани миришкорлари Навоий вилотида биринчи бўлиб дон сотиш шартнома-режасини бажарди.

● Жиззах вилоятининг Баҳмал туманида кишининг иситиш мавсумига тайёргарлик бошланди.

● Амударё туманидаги 5-ўрта мактаб жамоаси таъмирлаш ишларини яқунлади. Мактаб қошида ташкил этилган тикувчилик ва оҳақ пишириш кичик цехлари, сартарошхона, тажриба участкасидан олинган даромад мактабни таъмирлашга сарфланди.

● Жондор туманида Ўзбекистон Футбол федерацияси, Давлат спорт кўмитаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги шафелигида бошланган «Футбол гунчаси» мусобақасининг мамлакат босқичи яқунланди. Унда Жондор тумани ёш футболчилари голлиб чиқди.

● Навоийдаги «Сўғдиёна» спорт мажмуасида Ўзбекистон аёллар спартакиадаси нияҳосига етди. Мусобақада навоийлик хотин-қизлар умумжамоа ҳисобида галабага эришишди.

Жаҳонда

● Европанин Европа Иттифоқига аъзо 25 та мамлакатиде Европа парламентига сайловлар бўлиб ўтди. Унда 732 нафар киши Европарламент депутатлигига сайланди.

● Етти йилдан буён фазода парвоз қилаётган ядро реакторига эга Cassini лийи-таджикот станцияси Сатурн сийёрасига яқинлашиб, унинг йўлдоши Фебенинг суратларини олиб ерга юборди.

● Россиянинг Псков областида ҳаво шарлари мусобақаси бўлиб ўтди.

● НАТОнинг Истамбулдаги саммитини ўтказиш пайтида Туркия Босфор бўғозини «хавфли юклар», жумладан нефть танкерлари учун ёпиб қўйишини билдирди.

● Яна ичимликларни ишлаб чиқаришда жаҳондаги йирик компаниялардан бири, Coca-Cola Со. президенти Стивен Хейер эгаллаб турган лавозимдан бўшади.

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Жорий йилда иш бошлаган «Спортчи ТВМ» кичик корхонаси тadbиркорлари мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилишмоқда.

Спорт билан шуғулланишда қўлланиладиган тўп ва спорт анжомлари тайёрлаётган корхона жамоаси қисқа фаолияти давомида ўз харадорларига эга бўлди. Бунинг учун эса зарур ва керакли спорт анжомлари тайёрлаш, сифатини ошириш, янги турларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилган.

Корхонада асосан хориждан келтирилган хом ашё ҳисобига маҳсулотлар тикилиб, 70 фоиздан зиёд ишлар қўл меҳнати билан амалга оширилади. Бунда миллий хунармандчилик усулларидан кенг фойдаланган ҳолда европача йўналиш билан уйғунлик ҳам эътибор қаратилади.

— Энг муҳими 10 нафар ишчи-хизматчидан ташкил топган жамоамиз аҳлининг асосий мақсади барча спорт билан шуғулланувчиларни хорижликдан сифати, кўриниши, мустаҳкамлиги асло қолтирмайдиган, аммо анчагина арзон маҳсулотлар билан таъминлашдир, — дейди корхона раҳбари, тadbиркор Бахтиёр Тошпўлатов. — Ҳозирда футбол ва волейбол тўплари ҳамда 20 хилга яқин спорт анжомлари тайёрлаяпмиз. Маҳсулотларимизга Сирдарё, Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятлардаги спорт мактаблари, савдо шохобчаларидан буюртмалар тушмоқда. Келгусида хорижий ҳамкорлар билан ҳам ишлаш ниятимиз бор.

Тadbиркорлар ички бозорда муҳим ўринга эга бўлиш баробарида, кейинчалик иқтисодиётимиз ривожига ўз хиссасини қўшиш ниятида, хориж бозорига ҳам чиқишни режалаб кўйган.

САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИЛМОҚДА

Пойтахтимизда бунёд этилаётган йўл ва кўприклар қурилишида, кўчаларни кайта қурилиш ва таъмирлашда «Тошшаҳарйўлқурилиш таъмир» трестига қарашли умумтехнология ишлаб чиқариш бошқармасида тайёрланаётган қурилиш ашёларидан самарали фойдаланилмоқда.

Корхонада 14 та цех фаолият кўрсатиб, малакали мутахассислар ҳамда унумли дастгоҳлар ёрдамида маҳаллий хом ашёдан асфальт, лоток, бордюр ва бетон ариқчалар тайёрланмоқда. Шаҳримиздаги барча йўлларни таъмирлашга ишлатиладиган асфальт маҳсулоти корхона ишчи-хизматчилари меҳнати билан етказиб берилмоқда.

Айни кунларда корхонада ишлар қизгин паллада. Пойтахтимизда бунёд этилаётган кичик Ҳалқа йўлининг навбатдаги бунёдкорлик ишлари учун керакли қурилиш ашёлари тайёрланмоқда. Бунинг учун 450 нафардан иборат корхона жамоаси 2 сменада баракали меҳнат қилиб, сифатли маҳсулотларни буюртмачиларга вақтида етказиб беришмоқда.

Моҳина БЕКНАЗАРОВА

1996 йилда фаолият бошлаган корхонада дастлабки йилларда бир неча хилдаги халдорилар тайёрланган бўлса, ҳозирда капсула ишлаб чиқариш цехи ҳам иш бошлаган. Польшанинг «Гроснек» компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган дастлабки таблетка цехида асосан 4 хилдаги дорилар тайёрланган бўлса, эндиликда бу цехда «Ciprocol», «Magnezin», «Folik», «Meloksam», «Mukofron», «Crofilina» каби янги номдаги халдорилар ишлаб чиқарилмоқда.

— Ушбу халдори ишлаб чиқариш цехимизда асосан малакали мутахассислар иш олиб бормоқда, — дейди корхона директори Мунира Қориева. — Шунингдек, цехда Польшадан келтирилган замонавий линиялар ўрнатилган бўлиб, бу ходимларимиздан янада кўпроқ билим ва маҳоратни талаб қилади. Бундан ташқари халдори цехида Германиядан келтирилган қадоқлаш машинаси ёрдамида дорилар

шу ернинг ўзида қадоқланиб, тайёр ҳолда сотувга чиқарилади.

Корхонанинг капсула ишлаб чиқариш цехида эса ампициллин капсулалари

дейди корхона раҳбари сўзини давом эттириб. — Ушбу кредитга чет элдан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Маълумки, ҳозирда дори ишлаб чиқариш ва унинг технологиялари бўйича ўзимизда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги боис янги цехнинг монтаж ишларида асосан Италия ва Ҳиндистондан ходимлар келиб ишлашмоқда. Эндиликда бу флакон цехида мураккаб турдаги цефалоспорин дори турлари ишлаб чиқарилади. Бу дори асосан вена томирига юборилади. Цефалоспорин дори турларини ишлаб чиқариш мураккаб жараён бўлиб, ходимларимиздан алоҳида масъулият талаб этади.

Ҳозирда корхонада тайёрланаётган дорилар республикамизнинг барча вилоят, шаҳар дорихоналарига тарқатилмоқда. Шунингдек, дори-дармонларнинг маълум физио Қозғистон давлатига ҳам экспорт қилинмоқда.

Орзуғул РУСТАМОВА

САЛОМАТЛИГИНГИЗ УЧУН ЗАРУР

Инсон саломатлиги учун зарур бўлган турли халдорилар, капсула ва флаконли дориларни ҳозирда шахримизнинг барча дорихоналаридан топишингиз мумкин. Аммо асосан четдан келтирилаётган бундай дорилар бирмунча қиммат бўлиб барча ҳам уларни харид қила олмайди. Шу боисдан ҳам дори-дармонларнинг кўпчилиги ўзимизда ишлаб чиқарилиши қувонarli ҳолдир. Шаҳримиздаги «Jurabek Laboratories LTD» корхонасида айни пайтда ана шундай дорилар ишлаб чиқарилмоқда.

тайёрланиб, дори учун зарур хом ашёнинг айримлари Италиядан олиб келинади. Шунингдек, корхонада айни пайтда флаконли дори ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна бир цех ишга туширилиши арафасида турибди. Ҳозирда бу ерда монтаж ишлари давом этмоқда.

— Жорий йилда 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олдик, —

димилимиздан алоҳида масъулият талаб этади.

Ҳозирда корхонада тайёрланаётган дорилар республикамизнинг барча вилоят, шаҳар дорихоналарига тарқатилмоқда. Шунингдек, дори-дармонларнинг маълум физио Қозғистон давлатига ҳам экспорт қилинмоқда.



Бунёдкорлик

КўПРИКСОЗЛАРНИНГ МУНОСИБ СОВҒАСИ

Халқимизда «Кўприк қурган савобга қолади», деган ажойиб ибора бор. Чиндан ҳам шундай. Негаки бунёд этилган кўприклар нафақат йўллари, балки дилларни ҳам бир-бирига боғлаши, шубҳасиз.

Кейинги йилларда шаҳримизда қад ростлаган жуда кўплаб катта-кичик кўприклар бунга ёрқин мисол бўлиб, уларнинг бугунги муваффақиятли хизматидан нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки барча юртдошларимиз фойдаланилмоқда, мамнун бўлмоқда. Бу борада Кичик Ҳалқа йўли бўйлаб қурилган ва тикланиши давом этаётган автомобил кўприklarининг ўзига хос ўрни бор, албатта.

Шаҳримизнинг Амир Темур кўчасидаги Асомов ҳамда Эргашев кўчаларини бири-бири билан боғлаётган кўприк қурилиши ҳам айни кунда қизгин паллага кирган. Буни қурилиш объектида меҳнат қилаётган кўприксозларнинг гайрат-шижоати исботлаб турибди. Замонавий техника ҳамда сифатли қурилиш ашёлари, маҳоратли бунёдкорларнинг изланишлари тез ва соз ишлашда қўл келмоқда.

Кўприк қурилишининг бош пудратчиси, нафақат шаҳримизда, балки мамлакатимиздаги кўплаб мана


шундай объектларда тажриба тўплаган «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприк қурилиши отрядидир. Шунингдек, 67- ҳамда 14-кўприк қурилиш отрядлари ишчи-хизматчилари ҳам объектнинг муддатда қуриб битказилишини таъминлаш учун имкониятлардан оқилона

лари етарли, — дейди «Қорақалпоқ кўприкқурилиш» трести 14-кўприк қурилиш отряди бош механиги Мавлон Абдуллаев. — Пойтахтимиздаги мана шундай йирки ва масъулиятли бунёдкорлик ишларида иштирок этаётганимиздан мамнунмиз. Шу боисдан ҳам отрядимиз ишчи-хизматчилари зиммаларидаги масъулиятни сезиб, ҳамжиҳатликда ишлашгапти.

Барча юмушлар белгиланган режа асосида уддаланаяптими, демак кўприксозлар ўз ваъдаларида туришадди. Ушбу кўприк Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги шодийнасига уларнинг муносиб совғаси бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: 67-кўприк қурилиши отряди ишбошиси Абдурахмон Шодиев, 14-кўприк қурилиши отряди ишбошиси Турсунбой Нурзонов ва бош механиги Мавлон Абдуллаев барча ишларни бамаслаҳат бажаришмоқда; кўприк қурилишида.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



МАЪНАВИЙ ОНГ ТЎҒРИ ШАКЛЛАНСА

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув услубий марказида Олий Мажлиснинг иккинчи чақирғи ўн тўртинчи сессияси яқунлари ҳамда Президент Ислам Каримов нутқида белгилаб берилган вазифаларга бағишланган семинар ўтказилди.

Марказ ҳар ўч йилда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган болалар боғчаларининг мудиралари иштирокида ўқув машғулотларини уюштилади. Мазкур семинар шу хилдаги ўқув машғулотлари доирасида ташкил этилди. Унда республикамиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар хусусида сўз борди. Мамлакатимиз Раҳбари парламентнинг сўнгги сессиясида қилган нутқида асосий эътиборни ёшларнинг маънавий онгини тўғри шаклланишида оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасаларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ёшлар онгига миллий истиқлол гояларини сингдириш, уларни комил инсон қилиб тарбиялашда дидактик ва методик материаллардан унумли фойдаланиш соҳа мутахассислари олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Боғча мудиралари иштирокида ўтказилган семинарда сўнгги сессияда қабул қилинган қонун ҳужжатлари, парламент сайловига қўриллаётган тайёргарлик ҳамда икки палатали парламент фаолияти хусусида фикр юритилди.

Инобат ЭГАМКҲУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Саъват

**УСТОЗГА
БАҒИШЛАНГАН
РАҚСЛАР**

Ўзбек миллий рақс санъатини ривожлантиришга таниқли санъаткор Кундуз Миркаримова ҳам ўз ижодий ҳиссасини қўшиб келмоқда. У яратган ва ижро этган кўплаб рақслар «Баҳор» ансамбли репертуаридан ўрин олган.

Бугунги кунда рақс устаси Ўзбекистон Давлат хореография коллежиде ёшларга мураббийлик қилмоқда. Билим даргоҳининг профессори бўлиши бу инсон рақс санъатининг қатор ижодий йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқди.

Рақс санъати мактаби талабалари ижроси учун яратган номерлар ҳам эътиборни ўзига тортади. «Муножот», «Хотира» деб номланган постановкалар ҳам умидли ёшлар концерт дастуридан ўрин олди. Бу рақсларни санъаткор устози Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб сахналаштирди.

**ЯНГИ САХНА
АСАРИ**

Республика кўғирчоқ театри ўз спектакллари билан кичкинтойларни мамнун этиб келмоқда. Шу йилнинг ўзиде «Кичик сахна» усталари талқинида қатор янги қувноқ постановкалар қўйилди.

Яқинда театр репертуари яна бир сахна асари билан бойиди. «Диккат, яшил чирок» деб номланган постановка болаларга ўзига хос совға бўлди. Мазкур спектакль ўғил-қизларни транспорт қатнови қондаларига тўла амал қилишга ундаб, уларни йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдини олишга даъват этади.

Театр яна бир ижодий режани амалга оширишни кўзламоқда. Тарихий мавзуда ёзилган «Тумарис» пьесасини постановка қилишда истеъодли «кичик сахна» усталари катнашадилар.

**ЭЛЧИХОНА
ХОМИЙЛИГИДА**

Ўзбекистон ва Италия муассаса санъаткорлари ўртасида қарор топган яқин ижодий ҳамкорлик ўз ижодий самарасини бермоқда. Бунда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри эса бундай ҳамкорлик асосида қатор постановкаларни муҳлисларга тақдим этди. Италия тилида сахналаштирилган бу томошалар барча томошабинларга бирдек тушунарли ва таъсирчандир.

Элчихона саъй-ҳаракати билан театр актёрлари учун италия тилидан сабоқлар уюштирилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Санъат қошонаси ижодий жамоаси элчихона ҳомийлигида яна бир спектаклни тайёрлашга киришди. Машҳур италия композитори Доницеттининг «Севги шарбати» деб номланган бу операни сахнага олиб чиқиш жараёни бошлаб юборилди.

Музыка оханларига бой мазкур постановка келгуси йили театр репертуаридан ўрин олади.

Акбар АЛИЕВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Яққасарой туман бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туман партия кенгашининг навбатдаги учинчи йилгили айнан бўлим томонидан бажарилаётган ишлар муҳокамасига бағишланди.

Сийсий партияларда

ТРЕНИНГ ШАКЛИДА ЎТДИ


Мазкур йилгили аввалгилари сингари тренинг шаклида ўтказилди. Унда иштирок этган бошланғич партия ташкилотларининг раис ҳамда раис ўринбосарлари ва Юнус Ражабий маҳалласи фаоллари тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш юзасидан сабоқ олиб, партия олдида турган вазифаларга бир томонлама ёндошмасдан, уларни бажаришнинг янги усулларидан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратдилар.

Йилгилида сўзга чиққан «Дам-Ариқ», «Бошлик» ва «Конституция» маҳаллалари бошланғич партия ташкилотлари раислари Б.Мирҳабибов, С.Комилов ва М.Хонжўжаевлар бошланғич ташкилотлар томонидан ўтказилаётган тадбирларга ёшлари жалб этиш, шунингдек тарғибот-ташвиқот ишларида матбуотнинг ўрни, жумладан партия газетасининг сифатини яхшилаш, нуфузини ошириш ва унинг муштарийлари сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида урғу бердилар.

Юнус Ражабий маҳалласи бошланғич партия ташкилотининг раиси Ф.Дадамўхамедов худудда олиб борилаётган ишлар ҳамда партия дастурининг бажарилиши масалаларига тўхталиб

ўтди. Шунини айтиш керакки, юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг барчаси бир мақсад сари интилмақда. У ҳам бўлса, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олишидир. Ушбу мақсадга эришиш йўллари эса ҳар бир партияда ўзгача. Иқтисодиётнинг етакчи кучи бўлмиш мулкдорларга кенг йўл очиб бериш орқали олий мақсадлар сари ҳаракат қилаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар бўлажак парламент сайловларида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш учун хизмат қилади, шу билан бирга, сайловларда катнашадиган номзодларнинг тайёргарлигини синаш учун имконият яратди.

Т. ЮНУСМЕТОВ,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Яққасарой туман Кенгаши раиси



Ёшлиқдан ҳунар эгаллашга интилган болажонлар эртамининг нурли кунидир.

**ТАШҚИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
МУҲИМ МАНБАИ**

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунига назар соладиган бўлсак, улар мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотнинг ривожланишига пойдевор яратадиган асосий иқтисодий тоифалардан бири эканлигига амин бўламиз. Шунга мувофиқ айтиш мумкинки, алоҳида бир мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот қиймати ўтган молия йилига нисбатан кўтарилган бўлса — демак, инвестиция фаолияти бутун мамлакат миқёсида яхши йўлга қўйилган.

Хорижий инвестиция бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан таваккаллар кенглиги билан фарқланган ҳолда ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ҳамда минтақалар бўйлаб капитал кўчиси юз беради. Хорижий инвестициялар ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи молиялаштиришнинг зарурий ва муҳим манбаи бўлгани ҳолда, ўзи билан бирга, турли-туман технологик, ахборот, менежмент малакаларини, жажон бозорларидаги иш тажрибаларини ва бошқаларни олиб киради. Уларга мамлакатлараро ҳаракатланиш, яъни кўчиб юриш, фаолият юритишнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини алмаштириш, қўшимча таваккалчиликлар билан тўқнашиш ва аниқ мақсадлар хос бўлади. Шу боисдан хорижий инвестициялар кўчишини миллий инвестиция сиёсатини

олиб боришда ва уларни амалга оширишда албатта ҳисобга олишга тўғри келади. Уларни жалб қилиш қабул қилувчи мамлакат бюджетига солиқ, ижара ва бошқа тушумларни кўпайтиради. Улар янги иш ўринларини ташкил қилишга, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жажон бозорларида ўрнашиб олишга ёрдам берди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан яхши маълумки, хорижий инвестицияларни жалб этиш нафақат мавжуд иқтисодий муаммоларни бартараф этишга, балки ижтимоий, бошқарув масалаларини ижодий ҳал этишга, шунингдек, янги техника ва технологиялар кириб келиши ҳисобига ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилишга ҳам қаратилган бўлади.

Инвестицияларнинг юқорида қайд этилган ижтимоий ва иқтисодий устуворлигини англаган ҳолда мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кун-

**ШОШИЛИНЧ
ТИББИЙ ЁРДАМ
МУАММОЛАРИ**

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида «Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: ички касалликлар ва педиатрияда критик ҳолатлар» Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларга қараганда, ташқи таъсир, қон айланмиш тизими ва нафас олиш органларининг касалланиши натижасида ўлим ҳолати кўпаймоқда. Мазкур сабаблар аҳолининг касалланиши ва ўлим даражасини камайтириш учун тез тиббий ёрдам тизими ва профилактик чоралар кўришининг заруриятини билдиради. Шу борада мамлакатимизда ҳар йили илмий-амалий анжуман ўтказилади.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш»нинг 2003 йил 2 декабрдаги қарорига биноан республикаимизда аҳоли саломатлигини тиклаш юзасидан зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Республика Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров. — Мазкур анжуман ҳам шундай тадбирлардан бири ҳисобланади. Унда тиббиёт соҳасида ривожланган Россия ва Жанубий Корея каби мамлакатлардан мутахассислар ва республикаимиз шифокорлари иштирок этишди. Ушбу анжуман олимлар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва турли ихтисосликдаги шифокорлар интилишларини шошилинч тиббиётнинг устувор муаммоларини ечиш йўналишида бирлаштириб, давомий ва самарали илмий-амалий ҳамкорликни юзага келтиришда туртки бўлади.

Дилрабо АБДУЛЛАЕВА,
«Туркестон-пресс»

лариданоқ маҳаллий ва хорижий инвестицияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди ва уларни мувофиқлаштиришга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Натижада жуда кўплаб хорижий инвестицияли корхоналар барпо этилиб, улар ёш давлатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми маҳаллий корхоналар ва янгидан ташкил этилаётган ҳўжалик субъектларини техник-технологик жиҳатдан қайта таъмирлашга, модернизациялашга, давр талабига жавоб берадиган ишлаб чиқариш қувватларини жорий қилиш ва янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган. Натижада, кенг истеъмолчилар талабига жавоб берадиган, рақобатбардор, юқори сифатли экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шу боисдан республикаимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни янада бойитиш учун хорижий инвестицияларга кенг имкониятлар яратиб бериб, мавжуд иқтисодий сиёсатни изчил давом эттириш орқали ҳали ўз ечимини кутаётган қатор иқтисодий, ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган жараёнларни янада тезлатиш бугунги кун талабидир.

Ш. ШОЯҚУБОВ,
Д. МИРЗАЕВА
Тошкент молия институту магистрлари

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТЎНДИ
ДОМО БУЛУҲ...

● Ғаразгўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликка муҳаббатни ҳам торттиб олади.

● Чексиз алам ситамлар ҳаминча ғаразгўйлик меваси.

● Йўқ нарсага қайғурмайдиган эмас, ақсинча бориға кубонадиган одам донодир.

● Тежамкор одам ҳаммадан бой, қизганчиқ эса — ҳаммадан камбағал.

● Тежамкорлик — фаровонликнинг муҳим манбаи.

● Тежамкорлик доноликнинг қизи, қаноатнинг синглиси ва эркинликнинг онаси.

Байт:

Сахий дема

саховатига

Бирор талаб кўйса

гар одам.

Сахийликмас, бу

савдогарлик,

Бунда йўқур шараф

ва қарам.

● Кибр ва гурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадар, безътибор қилади.

● Донолар айтади:

— Тўрт нарса тўрт нохушликни келтириб чиқаради: худбинлик — расволикни, серғазаблик — пучаймонликни, такаббурилик — душманликни, ношукрлик — хорликни.

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

● Худбинлик инсонни заволга, камтарлик эса камолга олиб келади. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Камтарлик эса эл орасида шараф келтиради. Эй азиз, агар инсон бўлай десанг худбин бўлма. Йўқса, ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар улугликни хоҳласанг, камтарлик йўлини тут.

● Инсон ўзини бошқалардан ортқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлингки, булар — худбинлик аломатларидир.

● ХИКМАТ:

Ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама, эҳтимол уларнинг кўриниши аянчли бўлса-да, вужуди одамийлик ҳислати билан лиммо-лимдир. Зеро, улуглар «Ҳар кечани кадр бил, ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил», деб бежиз айтмаганлар.

БАЙТ:

Тулқидек айёрлик
инсонга ётдир,
Майда чака бўлиш
уят, исноддир.

Қитоб жавонкиқизга

БАРЧАГА ФОЙДАЛИ
МАЪЛУМОТНОМА

Республикамизнинг бир қатор ташаббускор олимлари томонидан «Абитуриентларга ёрдамчи маълумотлар» (Қаерда ўқисам экан?) китоби чоп этилди. Ушбу китобда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг кўп қиррали томонлари, улардаги мавжуд бакалавриятга ва магистратурага оид таълим ва касбий йўналишлар, факультет ва бўлимлар ҳақида маълумотлар берилган.


Мазкур маълумотнома ўсиб келаётган ёш авлод учун касбни тез ва тўғри танлашга ва шу билан бирга олий ўқув унинг асосий йўналишлари бўйича аниқ ахборотларни олишга кўмак беради. Китобни тайёрлашдан асосий мақсад ҳам, умумий ўрта мактаблар, лицей ва коллежларни тамомлаётган ёшлар учун уларнинг ўзига мос ва хос касб танлаш ҳамда ўзлари қирадиган олий ўқув даргоҳи билан яқиндан таништиришга ёрдам кўрсатишдир. Зеро, ҳозирги вақтда касбларнинг ҳам, олий ўқув юрларининг ҳам сони ошиб бормоқда. Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юрларининг сони 63 тага етди. Ҳар бир олий ўқув юртида ўзига хос касбий имтиҳонлар мавжуд бўлиб, улардан муваффақиятли ўтиш ҳар хил соҳада маълум тест синовлари топширишни такозо қилади. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар икки ёки уч фандан тест синовлари топширадиган.

Ушбу китобда олий ўқув юрлари қабул комиссияларининг абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш тартиби, қабул чоғида тест

синовларига тайёргарлик кўриши, уларни ўтказиши йўллари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалар ғолиблари ҳамда муҳаддатли ҳарбий хизматни ўтаган, кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш ва бошқа абитуриентларга берилмаган имтиёзлар, абитуриентларни тўлов-шартнома асосида қабул қилиш, ўқитиш учун тартиб ва қоидалар, тўлов миқдори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг олий ўқув юрларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги 2001 йил 26 июлдаги қарори, таълим кредитларини бериш тўғрисидаги Низом, олий ўқув юрларида 2003-2004 йиллардаги қабул учун тушган аризалар ва қабул кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар олий ўқув юртининг номлари ва манзил — телефонлари ва бошқа зарурий ахборотлар берилган.

Ушбу китоб абитуриентлар учун жуда фойдали маълумотлар базаси вазиасини бажаради деган умиддамиз.

Н.АЛИҚОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий университети кафедра мудири, профессор.



Кўзларингда қувонч қулсин, болажоним.

КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Республика Миллий матбуот марказида таниқли шоир ва жамоат арбоби Боту (Маҳмуд Ҳодиев)нинг юз йиллиги муносабати билан нашр этилган «Танланган асарлари»нинг тақдирот маросими ўтказилди.

— Боту таҳаллуси билан ижод қилган Маҳмуд Ҳодиев (1904-1938) ўтган асрнинг йигирманчи йилларида халқимиз ўртасида нафақат шоир, балки ҳар томонлама билимли, истеъдодли ва фидойи жамоат арбоби сифатида ҳам танилган, — деди «Шаҳидлар хотираси» жамғармасининг раиси Наим Каримов. — У, айниқса, ёшлик нашидаси билан суғорилган, тенгдошларининг интилишларига руҳ ва куч бағишлайдиган шеърлари билан ёш авлоднинг меҳр-муҳаббатини қозongan эди. Боту 26 ёшида «аксилинкилобчи», «миллатчи» ва «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, ўн йиллик жазо муддатини ўташ учун дастлаб Соловецк оролларида юборилди.

ди, сўнгра Москвада отиб ташланиши билан унинг порлоқ адабий истиқболига қонли нукта қўйилади.

Ботунинг илк шеърлар тўплами — «Умид учқунлари» 1921 йилда нашр этилган. 1922 йилда «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида Фитрат, Қўлпон ва Элбек шеърлари билан бирга Боту асарлари ҳам эълон қилинган. Бу ёш шоир истеъдодининг устозлар томонидан эътироф этилиши эди. 1929 йилда Ботунинг «Тўлқин товушлари» деб номланган иккинчи шеър тўплами, 1929 йилда эса «Турсун» хикояси алоҳида китобча шаклида чоп этилган.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

— Ассалому алайкум, — деди қўнғирқоқдай овози билан у.

— Ваалайкум ассалом, қизим. Алишерларнинг уйи шуми?

— Ҳа. Акам қасал. Юринг уйга.

Унинг орқасидан эргашдим. Қизалоқ мени ичкарига бошлади, эшикни очиб:

— Ака, устозингиз келди, — деди. Мен қизалоқнинг зукколигидан ҳайратландим. Тўрдаги қаравотда Алишер кўрпага ўралиб ётар эди. Ёнидаги стулда ҳар хил дори-дармонлар. Алишер салом бериб ўрнидан кўзгалди. Унинг оёқ томониға ўтириб, ҳол-аҳвол сўрадим. У атрофга қаради-да, бирдан йиғлаб юборди. Буну кутмагандим. Чунки Алишер синфимдаги ўғил болалар ичида энг шўҳи, энг чайири эди.

— Ие-ие, ўғил бола ҳам йиғлайди-ми, — деб унинг кўз ёшларини артдим. Алишер эса кўксимга юзини босиб ҳўрсиниб-ҳўрсиниб йиғларди. Бироздан сўнг ўзини босиб олди.

— Нима гап, Алишер? Сени нима қийнапти? Айтавер, қўлимдан келса, ёрдам бераман, — дедим. У узоқ сукут сақлади. Бу орада бояги қизалоқ кўлида дастурхон, нон кўтариб кириб келди.

— Қўявер, қизим. Овора бўлма, — дейишимга қарамай, у тоқчадаги қандқўрсаларни дастурхонга қўйди.

— Мафтун, сен боравер, мен устозим билан бироз гаплашай, — деди Алишер катталардек. Синглиси чиқиб кетгач, яна сукутга чўмди. Уни қандайдир азоб қийнаётганини сезиб турардим.

— Устоз, мен дунёдаги энг жирқанч боламан, — деди юзини деворга ўгирганча. — Биласизми, бир умр қийналиб яшайман энди.

— Нега, Алишер? Ўқишларинг аёло бўлса, ўртоқларинг ҳурмат қилса.

Шўрмуш гўрраҳаларида
ИЗТИРОБ

Алишер бутун ҳам дарсга келмади. Нима бўлди экан? Дарсан сўнг унинг уйига бордим. Дарвоза олдидаги ўриндиқда бир қизалоқ ўтирган экан. Синглиси бўлса керак.

— Йўқ, устоз мен ёмон, жуда ёмон боламан. Синглимни кўрингиз-а? Бирам ширинтой, бирам ақлли.

— Ҳа, одобли, зеҳнли қизалоқ экан. Ҳатто кимлигимни айтмасам ҳам билиб олди. Еши неччида?

— Олтида, Аммо мен ярамасни деб, у бир умр ёруғ дунёни кўра олмади. Кўзлари ожиз.

— А-а? — Мен ҳайратдан лол эдим. — ...Сезмадимку.

— Кўзлари ясама. Дўхтирлар қўйишган. Икки ёшлигида кўтариб юриб, йиқитиб қўйганман. Кўзларига зарар етган. Катта дўхтирлар: «Сак-ки ёшга тўлганда олиб келингллар. Уриниб кўраимиз. Лекин қафиллик бера олмаймиз», — дейишибди. Мафтунга жуда ақлли, ҳамма нарсани худди кўриб тургандек идрок этади. Йўлда ўзи бир аҳволдола, йиғлаб келаётган оймага тасалли берармиш:

— Кўйинг, ойижон, тузалиб кетаман, яна акамни уришманг, — дермиш. Бу гапларни эшитиб, яшагим келмай қолди. Ўзингиз айтинг, устоз, яшашга ҳақким йўқ-ку, менинг.

Мен унинг гапларидан қарахт ҳолда ўтирар эдим.

— Ундай дема, Алишер, синглинг тўғри айтибди. У тузалиб кетади. Сен тушқунликка тушма, қара, соппа-соған. Эртага мактабга бор. Бўлмаса, синглинг сенинг аҳволиндан яна қийналади. Ахир ҳамма нарсани тушунади, дединг-ку.

— Ҳа, боя ҳам ака, сиз қасал бўлманг, мен учун қийналманг, — деб ўтирувди.

— Ана, қара! Синглинг тузалиб кетади. Ҳозир дўхтирларимиз роса кучди.

Мен Алишернинг олдидан чиққаннимда Мафтунга ёнғоқ дарахти олдига ўйнаб ўтирган экан. Оёқ товушларини эшитиб, олдимга чопиб келди.

— Опа, қаранг, бизнинг ёнғоғимиз бу йил роса гуллади. Пииса сизга ҳам берамиз.

— Раҳмат, Мафтунга. Унинг қорачиқлари бир жойда қотган, дафъатан сунъийлиги сезилмасди. Унга таскинвор сўз айтигим келди.

— Мафтунга энди мен тез-тез келиб тураман. Сенга эртақлар айтиб бераман.

— Мени ҳам ўқитасиз-а, устоз?

— Ҳа, қизим, сени ўзим ўқитаман. У мени анча йўлгача кузатиб қолди.

Гулажаҳон ЖАББОРОВА

Табиаат

аждойиботлари

ХАЙВОНЛАРГА КЎЙИЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР

Хар хил халқлар томонидан турли даврларда яратилган ёдгорликлар орасида хайвонларга бағишланганлари ҳам бор. Бундай эс-даликлар кўпинча итларга бағишланган.

Берлин шаҳрида кўзи ожиз кишиларга йўл кўрсатгани учун; Аляскада қор босиб қолган кишилоққа эмлаш зардобини етказиб бергани учун Нью-Йорк шаҳрида; урушда ҳалок бўлган эгасини кутиб олиш учун 14 йил мобайнида хар куни кечкурун автобус бекатига чиққан итга Италиянинг Богро Сан-Лоренцо шаҳрида ёдгорлик ўрнатилган. Антарктидага уюштирилган экспедициялардан бирида ҳалокатга учраган 15 та чана тортувчи итларга ҳам ёдгорлик қўйилган. Париж шаҳрида сенбернар барри зотли итга ҳам ёдгорлик ўрнатилган. Алп тоғида қор бўрони туйфайли бир неча юз киши ҳалокатга учраганда ана шу аждойиб ит кўпчиликини ўлимдан қутқариб қолган. Ёдгорлик пойдевори: «У 40 та одамни қутқарди, қирқ биринчисини қутқариш чоғида ўзи ҳам ҳалок бўлди», деб ёзиб қўйилган. Хозир ана шундай итлар Швейцарияда махсус питомникда кўпайтирилмоқда. Санкт-Петербургда рус сайёҳи Пржевальский бюсти остида бронзадан ишланган тун қад кўтариб турипти. У Ўрта Осиёга уюштирилган экспедициядан қайтиб келмаган. Ёқутистонда музликларни ўрганиш институти биноси олдида мамонтга ёдгорлик ўрнатилган ва ҳожазо.

АҚШнинг Алабама штатидаги майдонлардан бирида 1919 йили ўрнатилган 4 метрли ёдгорлик қад кўтарган, унда ҳосилдорлик маъбудаси Церере сиймоси акс этирилган, унинг кўлида пахтачиликнинг энг ашаддий душмани, металлдан ясалган кўнгизни кўрамыз, ёдгорлик пойида эса куйидаги сўзлар битилган: «Оқсалиш даракчиси узун бурунли пахта кўнгизига чуқур миннатдорчилик рамзи сифатида Алабама аҳолиси томонидан ўрнатилган». Қизиқ, кўнгиз шарафига ёдгорлик, яна зараркундан дағ-я. Гап шундаки, Алабама штати аҳолиси биринчи ҳажон урушига қадрар ўз ерлариға хар йили фақат пахта экардилар, натижада узун бурунли кўнгиз жуда кўпайиб кетди ва ҳосилдорликка жиддий зиён етказа бошлади. Турли-туман кимёвий моддаларни кўллаш ҳам фойда бермади. Фақатгина фермерлар ўз хатоларини тушунгач, яъни алмашлаб экиш усулини жорий этганларидан кейингина мазкур кўнгиз йўқ бўлди, фермерлар эса юқори ҳосил ола бошладилар. Пахта кўнгизининг шунчалик хурматга сазовор бўлишининг боиси ҳам ана шунда: у деҳқонлар учун ўзига хос сабоқ бўлди.

Париж шаҳридаги Пастер институти биноси олдида амфибаллар вакили бўлмиш қақага ёдгорлик ўрнатилган. Токио медик талбалари томонидан тўпланган пул ҳисобига худди шунга ўхшаш иккинчи ёдгорлик қўйилди. Иккала ёдгорлик ҳам чуқур ҳурмат рамзи сифатида, фанмииз ва маданиятимизнинг ривожига қўшган бекиёс хизматлари учун барпо этилган. Зеро, бақалар қанчадан-қанча биология ва тиббиёт муаммоларини ечишда ёрдам кўрсатган.

Яҳё ДАВЛАТОВ,

биология фанлари доктори.

Хаёт чигал. Турмушнинг машаққатли томонлари ҳам кўп. Шундай экан, бу балинд-паст доволларни мардонавор энгиб ўтмаганлар куйидаги воқеадагилар ҳолига тушиши мумкин.

Сергей ва Роза оила қуришда алашишди. Улар бир-бирини севмас, хулқатвори ҳам иккаласининг келишиб кетишига йўл қўймасди. Оилада деярли хар куни жанжал. Эрнинг жаҳли чиққанда хотин бир гапдан қолмайди. Хотин сал чегарадан чиқса, эр бўралаб сўкиб ҳақоратлайди ва дўппослайди.

Сергей ичкиликка ружу қўйган ва тайинли бир жойда ишламайди. Уларнинг икки нафар фарзанди Елена ва Катя жанжаллар гидробила вояга етди. «Эр-хотиннинг уруши, дока рўмолинга қуриши», деганларича яшайвердилар, рўзгордан эса барака кўтарилди. Ҳаёт давом этар, қизларнинг ҳам бўйи етиб қолган. Қандай бўлса ҳам кун кечириш керак эди. Елена пул топиш мақсадида Москвага кетди. Катя эса севган йигити Эльдарга турмушга чиқди. Эльдар эсли-хушли, топармон бола эди. Улар Мирзо Улугбек туманидан уй олиб, у ерга кўчиб ўтдилар.

Кунларнинг бирида уларникага Катянинг онаси меҳмон бўлиб келди.

— Мен сизларникага бутунлай яшаш учун келдим. Қизим, отангни биласан, мен у билан ҳеч чиқиша олмадим. Энди у билан бир кун ҳам яшай олмаман. Агар рози бўлсаларинг сизлар билан бирга ҳаётимни давом эттирсам девдим.

Сергей хотинининг кетиб қолганидан қаттиқ жаҳли чиқди. Гўёки ўзини кўчадаги кераксиз итдек ҳис қила бошлади. У тез-тез Катяникага телефон қилар ва қизига:

— Онангга айт, у менга қўёнат қилди. У яхши аёл эмас, агар уйга қайтмаса, мен уни ўлдираман, — дерди.

Гўшакни Роза кўтарганда эса, унга ҳам шу маънодаги гапни айттарди. Уни ҳақоратлаб сўкарди. Роза ҳам бўш кел-

мас, ундан-да ошириброқ жавоб қайтарди.

Бир маромда давом этаётган кунларнинг бирида Сергей Чиноздан ўзининг ишларини битириб қайтиб келди-да, Роза билан гаплашиш мақсадида унга телефон қилди. Роза Сергейнинг овозини эшитгач, жавоб бермасдан гўшак-

— Нега келдинг, чиқ, йўқол, кет бу ердан.

Сергей эса гўдайганча: — Мен сендан ўч олгани келдим. Сен мени алдаб бошқалар билан дола олишиб юрибсан, — дея Розага яқинлаша бошлади. Сергейнинг юзи қип-қизил тусга кирган, қўли титтарди. У қўлини шимининг ўнг чўнтагига солиб, пичоқни олдида, хотинининг қорин қисмига суқди. Кейин Розанинг билаги ва бармоқларини ҳам тилиб ташлади. Кўз очиб юмгунча содир бўлган ушбу ҳолатдан Эльдар ҳам беҳабар қолиб, ёрдамлашишга улгурмади. У югурганча келиб, Сергейнинг қўлидан пичоқни олиб ерга ташлади. Оғир жароҳат олган бўлсада, Роза қичқирганча йўлакка қочиб чиқди. Унинг овозини эшитган қўшниси

Сўнги пичаймон - ўзинга душман

БЕВАҚТ ХАЗОН БЎЛГАН УМР

Улар 20 йил турмуш қуришди. Аммо тинч-тотув эмас. Сергей хотинига ўз қўллари билан пичоқ санчайтганда, унга раҳми келмади. Хотини Розанинг оғриқдан чинқиршига ҳам парво қилмади. Роза ароқнинг таъсирида сархуш бўлган Сергейнинг қилмиши оқибатида касалхонада жон таслим қилди.

ни қўйиб қўйди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Қайта-қайта телефон бўлавергач, Роза жавоб берди:

— Сергей, энди бизни мўъжиза рўй бергандагина тақдир бирлаштириши мумкин. Лекин мен сендан жудаям нафратланаман. Агар, Яккасарой туман сулига берган ажралиш тўрисидаги аризам ҳал қилинса, мен ўзим хоҳлагандек ҳаёт кечираман, — дея гўшакни қўйди.

Бу гапдан сўнг Сергей тамоман ўзини йўқотди. Анчадан буён ичишни умуман ташлаган Сергей алаимдан тўйиб ароқ ичди. У шу ҳолатда хотини яшаётган қизи Катяникага йўл олди.

Катяларникада фақат куёви Эльдар ва Роза бор эди. Катя эса бирровга дугонасиникига чиқиб кетган, Роза Эльдарга чой дамлаб бераман деб турган пайтда эшикнинг кўнғироғи чалинди. Эшикни Эльдар очди. У Сергейни гирт маст ҳолда кўриб ажабланди. Уни ичкарига таклиф қилди. Эльдарнинг кўнгли қандайдир нохушликни сезди ва секин ошхонага кириб стулга ўтирди. Бу орада Роза ҳам ошхонадан чиқиб Сергейга рўбарў бўлди. У туюқиб кетди.

Эльмира ҳам югуриб чиқди. У Розага ёрдам берди ва «тез ёрдам»га кўнғироқ қилди.

Сергей қилиб қўйган ишидан эсанкираб, воқеа жойидан қочиб кетди. Эльдар хотини Катяни дугонасиникидан телефон қилиб чақирди. Шу орада «тез ёрдам» ҳам етиб келди. Улар Розани касалхонага олиб кетишди. Касалхонага боргандан сўнг, орадан бир соат ўтар-ўтмас Роза жон таслим қилди.

Катя онасининг ўлиmidан сўнг отасидан шу даражада нафратландики, у қандай қилиб милицияга хабар берганини ўзи ҳам билмай қолди. Ички ишлар ходимлари тез орада Сергейни қўлга олишди. Тергов жараёнида у ўз айбини тан олди. Қилмишидан пушаймонлигини айтди. Энди унинг афеусланиши фойда бермайди. Сергейга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноий иш қўзғатилиб, жазага тортилди.

Зулфия АҲМЕДОВА,
адлия катта маслаҳатчиси.
Сарвар СОБИРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
жамоатчи муҳбири.

Тағбирлар

ОИЛА — ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Оилани ватан ичра ватан дея бежиз таърифлашмаган. Ватан тинч ва осойишта бўлса, келажак авлод ҳам эркин камол топиб боради. Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида «Оила — қадриятлар бешиги» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам айнан ана шундай хайрли мақсадларни қўзлаган ҳолда уюштирилди. Мазкур тадбирда 274-мактаб ўқувчилари, маҳалла фалоллари ва намунали оила аъзолари иштирок этиб, 4 шартни бажариш бўйича ўзаро беллашдилар.

«Маҳалла — тарбия маскани» шартида иштирокчилар маҳалла тарихи ҳақида сўзлаб беришди. «Фарзанд — умр чироғи» ва «Едингизда қолган кун» шартида эса ота-она, устоз ҳамда ўқувчилар муносабатлари, ҳаётда учраб турадиган айрим кулгили тасодифлар ҳақидаги саҳна кўринишлари ижро этилди. «Ота-оналар баҳси»да муаммоли саволларнинг ечими ҳал қилинди.

— Халқаро оила кунига бағишланган бугунги тадбир маҳаллада «Мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлиги» концепцияси бажарилишидаги ўзига хос кадамдир, — дейди туман ҳокимлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими услубчиси Гулчеҳра Дўстматова. — Айниқса, ота-оналардан С.Ҳикматуллаева, М.Абдурахмонова, Ф.Зоировларнинг фикрлари, А.Зайниддинова ва мактаб ўқувчилари ўқиган монолог ҳамда шеърлар кўпчилиikka маъқул келди.

Маҳмуда
ЗОИРХОН қизи.

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз павкцион, иқтисорли, тайратта тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмайпти. Тайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб боровчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

AMOLOT



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ»и тадбиркорларга «Ишлаб топ» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишни таклиф қилади. Кўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали олоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар бериллади.

Футбол

«ТРАКТОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

Ўзбекистон Кубоги чорак финали беллашувларининг тақриб учрашуви пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» жамоасига омад келтирди.

Мутахассислару муҳлислар томонидан рақиблари учун «нокулай» жамоа деб эътироф этиладиган «Трактор» Бухорода «Бухоро» клуби меҳмони бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, гарчи мамлакат чемпионатида нотекис ўйнаб муҳлисларини ранжитаётган бўлишсада, тракторчилар Ўзбекистон Кубоги ўйинларини муваффақиятли ўтказишмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг биринчи учрашувида ҳам тошкентликлар ҳужумкор ўйин намойиш этишган ва галабани қўлга киритишганди. Бухорода уюштирилган иккинчи учрашуда ҳам меҳмонлар ажойиб ўйнашди. Мезбонлар дарвозаси томон уюштирилган кетма-кет хавфли ҳужумлар самара бериб тракторчи Айзатулов томонидан йўлланган гол ўйин охиригача ягоналигича қолди ва «Трактор» галаба келтирди.

Эндиликда «Трактор» ярим финал баҳсларида қатнашади.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг «Машъал» — «Кизилқум» жамоалари ўртасидаги учрашув 2:0 ҳисобида мезбонлар галабаси билан якунланди.

(Ўз мухбиримиз)

«Оқшом» жамоаси «Тошкент» телеканали директори Неймат Саидоновга падари бузуққвори

АСАД ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган савдо ходими

Зиқирилла Заирович ХУСАНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Алоқабанк» акциядорлик-торжорат банкининг 38-сонли, 00401 код рақамли штамп-пи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Спортшўнослик

РАҚИБНИ «ЕЙИШ» КИМГА ЁҚМАЙДИ

Англиянинг «Ginsters» компанияси мамлакат миллий терма жамоасининг 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичида ишончли галаба қозонганини ўзига хос тарзда нишонлади.

Яъни компания ўз мижозларига «Уч шер» деб аталган сандвичлар таклиф эта бошлаган. Сандвичлар инглизлар саралаш учрашувлари даврида терма жамоаларини мағлубиятга учратган мамлакатлар махсулотларидан тайёрланган. Финляндия криветкалари, грек қўқати ва немис ўғшидан иборат махсулотларни сотиш учун «Рақибни е!» шiori остидаги рекламалардан фойдаланилган.

«Sunday Mirror» газетасига компания вакили Ларри Файлд британиялик жуда кўплаб ишқибозлар сандвичларни хурсандчилик

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТИЛДИ

МХСК спорт залида ногиронлар ўртасида тош кўтариш мусобақалари бўлиб ўтди. Уни СКИДИФ спорт клуби, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси уюштирди.

Аёллар ва эркеклар ўртасида ташкил этилган турнирда иштирокчилар 50, 54, 58, 65, 70, 72, 75, 90 ва 97 килограммга вазн тоифаларида галаба учун кураш олиб боришди.

Қатнашчилар орасида 130 килограммлик вазни забт этган Шавкат Идрисовнинг маҳорати мутахассис ва муҳлисларни қойил қолдирди. Шунингдек, голиблар ўртасида Александр Свиридов, Людмила Пак ва Нина Бризгаловалар ҳам юқори натижаларни кўрсатишга муваффақ бўлишди.

Мусобақа ташкилотчилари энг яхши қатнашчилар учун махсус совринлар ҳам таъсис этишди. Хусусан, Вячеслав Жужукало «Галабага бўлган иродаси учун», Павел Лопатко эса «Мусобақадаги иштироки учун» совринларининг соҳиблари бўлишди.

Турнирнинг барча иштирокчилари

билан харид қилишаётганини ва тановул пайтида инглиз футболчилари рақиб дарвозасига киритган голларни мароқ билан эслашаётганини хабар қилган.

БИР ДАҚИҚАДА БЕШ КАШТАН

Буюк Британиянинг Эшфорд шаҳрида каштан чақиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида янги рекорд натижа қайд этилган.

Британиялик 20 ёшли Имон Дулли бир соатда 306 та каштани чақишга муваффақ бўлган. Рекорд ўрнатилган финал босқичи вақтида яна 6 спортчи мингдан зиёд каштани чақишга улгурган.

Чемпионатда 356 та иштирокчи голиблик учун баҳс олиб боргани эътиборга лойиқ.

Рекордчининг натижасини тўла ҳис қилиш учун ҳар дақиқада 5 тадан каштан чаққанини эътироф этиш зарур.

ЭХ БАЛИҚЧИЛАР...

АҚШнинг Калифорния штатида балиқ тутиш бўйича ўтказилган чемпионат голиби Жеймс Стомр антика тарзда қўлга тушган.

Сал олдин балиқчиларнинг «Rio Vista Bass» фестивали доирасидаги мусобақалар иштирокчилари галаба қозониш учун қаллобликка йўл қўйиши хусусидаги эътирозлар мавжуд эди. Шу боисдан 2001 йил чемпионатида энг яхши натижа кўрсатган спортчини алдов детекторига махсус текширувдан ўтказишга қарор қилишган.

Таҳлил эътирозлар ҳақли эканлигини исботлаган. Жеймс 15 килограммлик оқун балиғини сув остида кўмаклашган шериклари ёрдамида «кармоққа илинган» бўлиб чиқди. Бош соврин — баҳоси 19 минг доллар турадиган ҳақиқий балиқчилар катерини қўлга киритиш қайси балиқчиға ёқмайди дейсиз.

Миркомил МУСАЕВ тайёрлади.

БИР АКТЁР ТЕАТРИ

Республика «Илҳом» театрида француз актёри Франсуа Клавье ижросида Роберт Боманин «Уруш ҳақида янги гаплар» романи асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди.


Актёрнинг мамлакатимизга ташрифи Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази томонидан ташкил этилди.

— Спектакль жаҳоннинг 160дан зиёд мамлакатиде, жумладан, Германия, Исроил, Литва, Мароккаш ҳамда Португалия давлатларида намойиш этилган, — деди Ф.Клавье журналистлар билан ўтказилган учрашувда. — Асар Шарль Торжман томонидан сахналаштирилган. Уруш мавзуси ҳамиша бугун инсониятни ўйлантириб келади. Асардаги қаҳрамонлар сиймосини яратишдан аввал уруш ҳақидаги кўпгина асарларни ўқиб чиқишга тўғри келди.

Франция элчисининг маданият ишлари маслаҳатчиси Иоанн Юреснинг таъкидлашича, яқинда Тошкентда ўтказилган «Хумо» халқаро театр фестивалига француз сахна усталари ҳам ташриф буюришди. 2002 йилда эса «Илҳом» театри жамоаси «Шоҳ Ибю» спектаклини француз томошабинларига тақдим этганди.

Маданий ҳамкорлигимизнинг меваси ўларок, Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Н.ДЕВЛИСУПОВА,
«Туркистон-пресс»



рига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: турнир голиби Шавкат Идрисов навбатдаги вазни забт этмоқда.
Алексей Попов олган сурат.

Ғаройиботлар

ШИШАДАН УЙ

Японияда истиқомат қилувчи Капдиси Орибе турар жой масаласини ўзига хос тарзда ҳал қилди. У 250 мингта бўш шишадан ўзига беш хонали уй қуриб олган. Бу шишаларини тўплаш учун Орибе етти йил вақт сарфлади.

ЖОННИНГ ОГИРЛИГИ ҚАНЧА?

«Жоним қийналди», «Жонимга тегманг», «Жоним билан» деган сўзларни кунига кўп ишлатамиз. Хўш, жоннинг ўзи нима? Маълумки, жон киши танасидан вафотидан сўнг бўлиниб-ажралиб чиқади. Гар шундай экан, унинг огирлигини ўлчаб бўлмайди, деган фикр билан америкалик олимлар илмий иш олиб боришган. Улар махсус тарози ясаб, одамнинг тирикликдаги огирлиги билан жон чиққан — ўлгандан кейинги вазнини солиштиришган. Натижа кутгандан ҳам зиёда бўлган: фарқ мингдан бир грамм бўлса керак деб ўйлашган олимлар қойил қолишди. Маълум бўлишича, одам жонининг огирлиги 2,5 граммдан 6,5 граммгача бўлар экан.

Санкт-петербурглик олимлар махсус асбоблар билан текширишганда инсон вафотидан сўнг унинг танасидан тухумга ўхшаш бир нарса ажраб чиқишини исботлашган.

Қидирбой Тўлабоев тайёрлади.



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, ҳафсет
ҳафтада босилади.
4127 нусхави босилади. Қўғоқ бегини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.